ЎЗБЕК ТИЛИДА “ЙИҒИЛИШ” АРХИСЕМАЛИ ЛЕКСЕМАЛАРНИНГ СЕМАНТИК ХУСУСИЯТЛАРИ

А.ТЎРАХЎЖАЕВА

В данной статье раскрываются семантические структуры лексических единиц, входящих в лексико-семантическое поле «собрание» в современном узбекском языке.

The semantic structures of the lexical units, falling into lexical-semantic field "meeting" in modern Uzbek language is revealed in this article.

XX аср бошларида барча фанларда системавий тадқиқотларнинг кучайиши, тилнинг ҳам системавий табиатга эга эканлигининг эътироф этилиши, системани икки ва ундан ортиқ элементларнинг ўзаро муносабатларидан ташкил топган бутунлик сифатида тан олиниши, [5;4, 6;34] ўрганилаётган объектнинг моддий томонига эмас, балки улар ўртасидаги ва бир объектнинг ички узвлари ўртасидаги муносабатларга тадқиқотчи диққатининг кўпроқ жалб қилинишига олиб келди.

Лексик сатҳда лексик бирликлар ўртасидаги муносабат икки йўналишда ўрганила бошланди. Биринчи йўналишда лексемаларнинг ўзаро синонимик, антонимик, омонимик, паронимик, градуонимик, гипонимик, партонимик сингари муносабатлари ва бир лексема таркибидаги семаларнинг муносабати, яъни лексеманинг семик таркибига эътибор қаратилса, иккинчи йўналишда системани ташкил қилган ички аъзоларининг шажаравий муносабатини очишга, жинс-тур муносабатига диққат жалб қилинади [3;5].

Лексик бирликларнинг шажаравий табиатини ёритишга эътиборнинг қаратилиши лексик системани макро ва микросистемалар бутунлиги, яъни системалар системаси сифатида талқин қилиш имкониятини туғдирди.

Бизни қуршаб турган объектив олам ўзаро шартланган, бир-бирини тақозо этадиган элементлар муносабатидан ташкил топган яхлит бир система сифатида ички бўлинувчанлик хусусиятига эга. Объектив олам оддийдан мураккабга қараб синфларга бирлашувчи ва бўлакларга бўлинувчи мураккаб системадир. Профессор Ш.Искандарова таъбири билан айтганда, бу бўлиниш инсон онгида умумлашган тарзда акс этади ва тилда ўз ифодасини топади [2;5].

Оламнинг инсон онгида акс этиши концептуаллашиш саналади. Ана шундан келиб чиқиб, ҳозирги кунда фалсафада оламнинг лисоний манзараси (ОЛМ), оламнинг афсонавий манзараси (ОАМ), оламнинг илмий манзараси (ОИМ) сингари тушунчалар пайдо бўлди. Буларнинг ҳаммаси оламнинг инсон онгидаги инъкоси натижалари саналади.

ОЛМ тушунчасининг пайдо бўлиши тилшуносликда лингвистик майдон назариясининг туғилиши ва ривожланишига сабабчи бўлди. ОЛМга кўра, бизни қуршаб турган дунё макро ва микрооламларнинг шажаравий муносабатидан ташкил топган. Бундай шажаравий табиатга эга бўлган макроолам инсон онгида концептуаллашади ва бу концептлар турли тилларда турли тарзда ўз ифодасини топади. Натижада олам – одам – ном триадаси майдонга келди.

Инсон онгида олам муайян микрооламларга бўлинган ҳолда акс этади. Шунинг учун олам инсон онгида парадигмаларга бўлинади. Инсон онгида акс этган оламдаги ана шу парадигмалар лисоний ифодасига эга бўлиб, лексик парадигмаларни ҳосил қилади. Ҳар қандай тилнинг лексик системаси маълум маъно умумийлиги асосида бирлашган бир қанча парадигмаларнинг ўзаро муносабатидан ташкил топади. Ана шундай маъно умумийлиги асосида хотирамизда бирлашган лексемалар парадигмаси лингвистик майдон ҳисобланади. Бошқача айтганда, маълум маъно умумийлиги асосида бирлашган ва белгиланаётган ҳодисаларнинг тушунчавий, предметлик ёки вазифавий ўхшашлигини акс эттирувчи тил бирликлари йиғиндиси лингвистик майдон сифатида белгиланади [4;380, 2;47].

Майдон назарияси ҳозирги ўзбек тилшунослигида кенг ривожланиб бормоқда. Ўзбек тилининг ҳурмат майдони, анемоник майдони, шахс майдони, қариндош-уруғчилик майдони сингари қатор майдонлар тадқиқига бағишланган бир қанча асарлар дунёга келди [2;7,1;15].

“Ижтимоийлик” архисемаси асосида бирлашган лексик бирликлар ҳам ана шундай бир майдонни ташкил қилади. Бу майдонга мансуб барча лексемалар семемасида “ижтимоийлик” бирлаштирувчи семаси иштирок этади. Ҳар бир майдон аъзосида такрорланувчи ана шу сема бу лексемаларни бир майдонга бирлаштиришга имкон беради.

“Ижтимоийлик” архисемаси асосида бир мазмуний майдонга бирлашган лексемалар ўз ичида кичикроқ семалар умумийлиги асосида майда гуруҳларга бўлинади. Ана шундай микромайдонлардан бири “йиғилиш” семаси асосида бирлашган микромайдондир. Мажлис, анжуман, ассамблея, кенгаш, конференция.... сингари лексемалар ана шу май-

донни ҳосил қилади. Бу майдонни ташкил этган аъзолардан биттаси майдон марказида туради ва ана шу лексема семемаси майдон учун ном беради. Бу лексема экспрессив-эмоционал ва бошқа қўшимча семалардан ҳоли ҳисобланади. Майдон маркази қуршовида турган лексемалар семемасида эса марказга, яъни майдонга хос бўлган бирлаштирувчи семалар бўлиши билан биргаликда, қўшимча семалар ҳам иштирок этади. Майдон аъзоларининг ҳар бирида такрорланаётган ва бу аъзоларни бир майдон ичига бирлаштириш учун хизмат қиладиган сема интеграл сема, майдон таркибидаги ҳар бир аъзони бошқасидан фарқлаб турувчи сема эса фарқловчи сема саналади. Бир мазмуний майдонга мансуб лексемалар семемаси ана шундай интеграл ва дифференциал семалар бирлигидан ташкил топади. Мазмуний майдон узвлари (компонентлари) учун умумий бўлган бундай қонуният "йиғилиш" архисемали лексик-семантик майдонда ҳам ўз ифодасини топади. Бу лексик-семантик майдон аъзоларининг интеграл ва дифференциал семаларини эътиборга олган ҳолда бир бутун майдонни қуйидаги чизма орқали ифодалаш мумкин.

1-чизма



Юқоридаги чизмада майдон марказини "йиғилиш" лексемаси эгаллайди. Бу лексема "Ўзбек тилининг изоҳли луғати" да қуйидагича изоҳланган: Йиғилиш 2 Бирор масала юзасидан тегишли шахсларнинг тўпланиши йиғин, мажлис. [11;272]

Изоҳдан кўриниб турибдики, бу лексема семемаси "шахсларга хослик", "йиғилиш", "муҳокама" семаларини ўз ичига олган бутунлик саналади. Бу семаларнинг барчаси мазкур майдон таркибидаги ҳар бир лексема семемасида такрорланади. Шу билан биргаликда, марказ қуршовида жойлашган лексемаларда бу семалардан ташқари бошқа семалар ҳам иштирок этади. Ана шу қўшимча семалар ушбу лексемаларни қуршовдаги бошқа лексемалардан фарқлаш учун хизмат қилиш билан бирга, марказдаги лексемадан ҳам фарқлаб туради.

Хусусан, майдон таркибида йиғилиш ва кенгаш лексемалари бир-бирига мазмунан жуда яқин. Шундай бўлса ҳам, улар алоҳида-алоҳида лексема бўлганлигидан маълум фарқланиш белгисига эга. Улар ўртасидаги фарқловчи белги "услубий хослик" семаси саналади. Йиғилиш лексемаси услубий жиҳатдан бетараф бўлиб, услубий семага эга эмас, маркерланмаган. Кенгаш лексемаси бу белгига эга, маркерланган. Расмий услубга хослиги билан характерланади.

Ўзбек тилининг изоҳли луғати"да йиғилиш ва кенгаш лексемалари қуйидагича изоҳланган:

Йиғилиш 2 Бирор масала юзасидан тегишли шахсларнинг тўпланиши; йиғин, мажлис.

Кенгаш 2 Ўзаро биргаликдаги муҳокама, шундай муҳокама мажлиси; йиғилиш [11;352].

Демак, йиғилиш ва кенгаш лексемалари ўзаро приватив зидланган бўлиб, «услубий хослик» белгиси зидланишга асос сифатида хизмат қилади.

Йиғилиш ва анжуман лексемалари ҳам юқоридаги каби «услубий хослик» белгисига кўра зидланади. Зидланишнинг биринчи аъзоси бу белгига эга эмас ёки нейтрал, иккинчи аъзо эса мазкур белгига эга, маркерланган. Айни вақтда, кенгаш ва анжуман лексемалари ҳам ўзаро зидланади. Улар «услубий хослик» семаси асосида бирлашса-да, унинг турлича таркибий қисмлари (расмий услуб, бадиий услуб)га хослиги билан эквиполент оппозицияни намоён этади. Анжуман лексемаси "Ўзбек тилининг изоҳли луғати"да қуйидагича изоҳланган:

Анжуман Умуман бирор ҳодиса, тантана муносабати билан бўладиган йиғин, мажлис [10;85]

Майдон қуршовидаги бошқа лексемалар ҳам шу тартибда таҳлил этилади.

Ана шундай таҳлил натижалари асосида лексемаларнинг дифференциал белгиларини қуйидаги матрицада келтириш мумкин. (2 чизма).

Жадвалдаги қайдларга асосланиб, қуйидагича хулосалар чиқариш мумкин:

1. "Йиғилиш" архисемали мазмуний майдоннинг барча лексемалари учун "шахсларга хослик", "тўпланиш" ва "муҳокама" семалари барқарор белги ҳисобланади.

2. "Расмийлик" ва "услубга хослик" семалари ҳам мазмуний майдон лексемаларининг семемасида энг кўп такрорланган. Шундан "расмийлик" семаси икки марта фарқловчи, ўн уч марта бирлаштирувчи; "услубга хослик" эса уч марта фарқловчи, ўн икки марта интеграл белги сифатида намоён бўлган.

3. Дифференциал семаларга нисбатан энг кўп нейтрал муносабатда бўлган лексемалар йиғилиш ва кегаш лексемалари бўлиб, улар ушбу парадиг-

2-чизма

	Расмийлик	Услубга хослик	Ташкилотга хослик	Кенг ваколат	Халқаро Давлат вакилларига Хослик	Сохага хослик	Ялпи мажлис	Муайян масалага бағишланган	Муайян давр	Илмий масалага хослик
Йиғилиш	+	0	0	0	0	0	0	0	-	-
Кенгаш	+	+	0	0	0	0	-	0	0	-
Анжуман	+	+	-	0	0	0	-	+	0	0
Мажлис	+	0	+	-	-	-	0	0	-	-
Пленум	+	+	+	-	-	-	+	+	0	+
Форум	+	+	-	+	0	0	0	-	0	-
Конференция	+	+	0	+	0	-	0	-	+	0
Сессия	+	+	-	+	-	+	-	+	0	+
Қурултой	+	+	-	-	-	-	+	-	+	+
Ассамблея	+	+	-	+	+	+	-	+	-	0
Саммит	+	+	-	+	+	+	-	-	+	-
Конгресс	+	+	-	+	+	0	-	-	0	-
Симпозиум	+	+	-	+	+	0	+	-	+	0
Йиғин	-	0	-	-	-	-	-	-	-	+
Митинг	-	+	-	-	-	-	-	-	+	-

мага мансуб сўзларга хос маънони энг умумий тарзда ифода этади. Шунинг учун нутқда уларни эркин қўллаш мумкин. Масалан, форум қатнашчилари – йиғилиш қатнашчилари, саммитда кўтарилган масалалар – кенгашда кўтарилган масалалар, халқаро конференция – халқаро йиғилиш ва ҳоказо шаклларида муқобил қўллана олади.

4. Мутлақо ёки энг кам дифференциал семага эга бўлган йиғин ва митинг лексемалари майдон марказидан энг узоқда турувчи, яъни йиғилиш лексемасидан мазмунан узоқлашган лексемалар ҳисобланади.

5. “Ижтимоийлик” майдонига мансуб “йиғилиш” ар хисемали микромайдон қуршовидаги лексемаларни қуйидаги асосий дифференциал белгилар асосида кичик гуруҳларга (микромайдончаларга) ажратиш мумкин:

а) маънони умумий ифодалашига кўра: йиғилиш, кенгаш, анжуман.

б) “ташкилот” миқёси семасига кўра: мажлис, пленум.

в) “кенг ваколат” семасига кўра: форум, конференция, сессия, қурултой.

г) “халқаро миқёс” семасига кўра: ассамблея, саммит, конгресс, симпозиум.

д) “норасмийлик” семасига кўра: йиғин, митинг.

АДАБИЁТЛАР:

1. Ваққосова Д. Ўзбек тилида анемонимларнинг семантик таҳлили. НДА.- Ф. 2005.
2. Искандарова Ш. Тил системасига майдон асосида ёндашув.- Т.: Фан, 2007
3. Караулов Ю. Н. Обшая русская идеография.- М.: Наука, 1976
4. Лингвистический энцеклопедический словарь.- М., 1990
5. Нурмонов А. Лингвистик белги назарияси.- Т.: Фан, 2008
6. Nurmonov A. Struktur tilshunoslik: ildizlari va yo’nalishlari.- T.: Ta’lim, 2009
7. Собиров А. Ўзбек тилининг лексик сатҳини система сифатида тадқиқ этиш.- ДДА.- Т., 2005
8. Усмонов О. Дониёров Р. Русча-интернационал сўзлар изоҳли луғати.- Т.: Ўзбекистон, 1972
9. Юнусова З. Ўзбек тилида луғавий микросистеманинг таркиби ва ривожланиши. НДА.- Т., 2005
10. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 1-жилд.- Т., 2006
11. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 2-жилд.- Т., 2006

Қўқон давлат педагогика институти
2010 йил 20 апрелда қабул қилинган
(Тақризчи: проф. А.Нурмонов)